

АСҶАД МУХТОР

# ЧАРХПАЛАК

(Ҳажвий шеърлар)

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти  
Тошкент—1970 йил



### МАДҲИ ХУДИ МАН<sup>1</sup>

Манким, камини камтарин, тўртинчи мучалимининг оёқидадурман. Яъни, ҳижрининг 1339 санасида, хусусан рабиулжавалнинг субҳи содиқ асноси таваллуд ўлдиғимда жумлаи пиру жавон интизор эканларким. шоду хуррам бўлибдурлар. Исмининг миёнасида ёзилғай эрди, тасодиф ила ғалат бўлмиш танҳо нуқтанинг қурбонидурман. Фақирға падар бўлмиш зот Муҳаммад Маҳсум ибн Мухтори Дўнғалакий (жойлари жаннатда бўлғай) замонида,

<sup>1</sup> Фақирнинг таржимаи ҳолидирки, таржиме қилинмағай.

азбарои ризқирӯз, оташ аробанинг дўнғалакини мойлаб машҳури жаҳон эрмушдирлар ва аларнинг жавзаи мухтарамалари, фақирға мавлудаи мукаррама тегиш Анварун-Нисои Бесавод (дағи жаннат нашин ўлғайлар) чарх даврони кажрафтор изми ила чархи мавои Комбинот соҳибаси эрдилар.

Жойики таваллуд ўлдигим Фарғонаи жаннатлиқо тавсифи оламни тутмиш бир мулки дилпазирдир ва мавлоно Заҳриддин Муҳаммад Бобир хомасиға муяссар ўлмиш бир макон эрдиким, фақири хокисорингизнинг камоли жамолоти андиндур.

Ушбу дунёи бебақода сағирликни ҳеч кимсага насиб этмағай, вале агарчандким мабодо насиб айласа ҳар етим худд мандек, бахти-толеи бирла бўлсин, омин.

Ҳукумати Шўровийдирким, анинг пушти-паноҳида баҳри камоли ноёб топибмиз, фақирға падари бузруквори соний бўлибдуо. Алқисса шабоблигим хонаи сағирон оғушида кечмишким, шуқуҳ иладур. Ҳазоинул урфон ва бадоиул нафис бизни санам янглиғ жазб этарса ибтидосч ушбу гўшада эрди. Зотан ҳз эрат Мир Алишер ироди ваъз этибдурлар:

Камол эт касб ким, олам уйидин  
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.  
Жаҳондин нотамом ўтмоқ баайних  
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Фақирнинг майли суҳандони дағи айних ушбу хочақоҳда воқеъ ўлмишдирким, анинг саносини зоҳир этмам, зеро, «ўз камолидин демас аҳли камол».

Акнун каломи мухтасар жоизким, устоду аҳраболар бахсидадур. Бири мавлоно Маҳсум ба мулаққаб Горький, алхусус, устод ичра устоди аввалин ул турур. Бири Искандар бинни Фадейким, кўп мусаллам тутарман, фақирни назмда фосиху қобил дебон башорат қилиб эрди. Дағи бирлари Мулла Муҳаммад Мусо бинни Тошмуҳаммад Ойбек—Шоший ва Мирзо Абдуғафур бинни Мирзо Ғулом Шоший—Қоратошийдирким, дақойиқ дурри покининг баҳри уммони ва маоний лаъли оташнокининг қони эрдилар, аларнинг фақирға меҳри орасталари даврон саҳойфидан ўчмағай.

Жамоати аҳрабо зикридаким, ул жумладин Амир Муҳсин бинни Амир Саидул Чигатойидур. Ушбу ҳажв таркибини ул зот илтифот қилур экандурлар, бу васфи мухтасарни аларнинг шариф исм-

ларидан ибтидо қилинди. Аввал назмға майл кўргузди, бу матлаъ анингдир:

Кўрганмисиз гўзал Асагани  
Юлдузларга тўлганда осмон!

яъни: фирдавсманон Асакеким, чашми жонибга зухур ўлғуси,  
кави казкаб ила зие афшондур!

Узга мусаннафоти назм ва насри дағи бордур.

Ул даврадин Саид Аҳмад бинни Хусан Ховажвий Пабзанийдир-  
ким, Юсуфи даврон дерлар ва лутф ила ҳажвға дағи иштигол  
кўргузиб, ҳаззол таъб била Домлаи ўрик мадҳини андоқ тасниф  
этибдурларким, таърифдан ғайридир.

Шукуруллоҳ Маҳдум ибн Юсуф Қоратошийким, субҳоноллоҳ,  
ҳуснда худ олам аҳлиға зоҳир, абёт бобида дағи моҳир, ширин-  
забони замондур.

Боз мулла Туроб бинни Тўла Ховожаи Турбатий ва Мавлоно  
Ғулом ибн Олим Шухрати Шоший ва уста Адҳам ибн Ҳамдами  
Фарғонийким кўп ва хўб битибдурлар.

Филҳол, хаёлға андоқ келурки, фақир бу тарз фазлу камолот  
ва фикру кўромат дайриндадур, алҳамдилилло, аларнинг мадади  
била умрим боқий бўлғай.

**МУАЛЛИФ.**

## ЧАРХПАЛАК

— Ҳа, энди, чол деймиз,  
Ҳурмат қилемиз...  
Бўлмаса бари ҳам қариб-чурипти.  
Буниси соб бўлти, ауниси эса —  
Қирқинчи йилларда юрипти.  
Нима ҳам келарди қўлидан,  
Космос замонида омондай бир гап.  
Ҳурмат қиламизда,  
Йўқса аллақачон  
Қўйиш керак эди архивга тиркаб.

Шундай куларди у кекса авлоддан,  
Узига ёқарди шўх бебошлиги.  
Узининг қаришин тасаввур этолмай,  
Чолларни ёмонлаб ўтди ёшлиги.

— Ҳозирги ёшларми! Бе-е! Ишонманг,  
Ота-онасини сотиворади.  
Соч муидоқ!  
Шим — му-у-ундоқ...  
Фирт безори.  
Бу авлод, билмадим, қаққа боради.



**Бу ҳам ўша. Бу ҳам унинг гапи.  
Энди у қариди, сўзи ҳам бўлак.  
Ёшларни ёмонлар қариганида,  
Яъни чархпалак.**

**\* \* \***

**Чўпон яйловларнинг куйчи қалбидек  
Янгротиб най чалган чоғларда,  
— Ягонаман, ўхшашим йўқ!— деб  
Акс-садо жар солар эмиш тоғларда.**

## ОТАЛАРГА МАСЛАХАТ

Икки ўғлим, бир қизим бор, худога шумур,  
Келинингиз ишонмайди еру кўкка.  
Ҳаммаси қам яхши-ю, биродарлар,  
Омон бўлгурларнинг ташвиши кўп-да...

Биров йўлдан уриши бор, дегандай,  
Папирос, қизамиқ, масту аласлар.  
Нима кўп — бадқилиқ одам кўп,  
Ёмон кўздан, ишқилиб, ўзинг асра.

Каттаси денг, ароқ ичсам,  
суқлангандай,  
Қуш қараши қилади, жибилажибон.  
Папирос чексам нақ чўғига тикилади!  
Қараб турсам, тирмизак бузиладиган!

Киришмасам бўлмади тарбиясига:  
Аввало папиросни ташладим.  
Хумор қилганида тунука қутидан  
Манпасье шима бошладим.

Ароқ ичмай кўйдим.  
Гонорар чиққанди  
Лермонтовнинг таржимасидан  
Уйга олиб келдим.  
Келинингиз хурсанд  
Болаларнинг тарбиясидан...



**Уртанчасин қўйинг! Айтгани қилмайди,  
Қилгани қилади, маймундай,  
Уқисам-ўқийди, ётсам-ётади,  
Ойимга қарашай деса-чи бундай!**

**Буни ҳам олмасам бўлмайди қўлга:  
Сахар турниб ўтин ёраман,  
Идиш-товоқ ювиб, кир-чирни чайгац,  
Гастрономга — нонга бораман...**

**Келинингиз ўзида йўқ хурсанд  
Болаларнинг феълу хулқидан.  
Аmmo қийин экан бола тарбияси,  
Қанча кайфдан қолдим, қанча уйқуданъ**

**Ботинкани ёғлаб, галстук боғлаб,  
Соқоллар қирилган, кийимлар башанъ,  
Музей, театрга қатнайман тез-тез...  
Маданий бўлсин-да бу уч зумрашанг!**

**Туппа-тузук бўлиб қолишди, денг,  
Каттасининг йўқ билмагани.  
Айниқса кенжаси,  
ҳали бир яшару,  
Ўзимга ўхшайди: сипо, маданий...**

**Шундай тажрибани қўллаб кўринг-а,  
Бола, ахир, умрнинг нақши.  
Ешлигидан бошланг тарбиясини,  
Туғилмасдан бошласангиз  
яна ҳам яхши.**

## ҚАЛБ ВА ҚУЛФ

**ҚУЛФ ДЕДИ:**— жангур-жунгур,  
Дўст тутинсак иккимиз.  
Бизга боғлиқ молу жон,  
Гарчи шаклан миттимиз.  
Одам бўлса тинчу омон,  
Ким сабабчи — мана, биз!  
Сахий бўлса биз сабабчи,  
Зихна бўлса — яна биз.  
Доим бедор, меҳнаткаш,  
Умри боқий иккимиз.  
Бизга боғлиқ молу жон,  
Гарчи шаклан миттимиз.  
Бизга ҳақсиз қўл урганлар  
Ҳукм бўлар отишга.  
Иккимиз ҳам сир сақлаймиз,  
Калит керак очишга.  
Бирга юрсак ярашади:  
Калб билан Қулфмиз.  
Кеча кўрдим — бир шеърда  
Қофия ҳам бўлибмиз...

**ҚАЛБ ДЕДИ:**— йўқ, йўқ, биродар,  
Уша шоир қилган номаъқул.  
Қалб эмас экан кўксиди,  
Занглаб қолган, қалбнамо қулф.  
Сенинг билан шерик тутинсам,  
Дарё бўлиб оқоласанми!

Сигадами бағринга баҳор,  
Ишқ гулханин ёқоласанми!  
Сен қандай дўст бўласан менга  
Дард-қувончга қона олмасанг!  
Данколарнинг қадақ кўлида  
Машъал бўлиб ёна олмасанг!  
Сухбатинг ҳам сенинг, куйинг ҳам —  
Фақат кўпол темир жаранги.  
У сен айтган шеърдагидек,  
На оҳанги бордир, на ранги.  
Умринг қисқа. Одамзод сени  
Уз айбидай келмоқда судраб.  
Оламини тутганда эзгу ҳисларим,  
Сен музейда ётарсан мудраб.  
Тушундингми, нақадар бежо  
Дўст бўлсакми, деган саволинг.  
Йўқ, сенга дўст эмас, душманман,  
Менинг ҳусним — сенинг заволинг!

---

Куйган киприклари пирпираса-да,  
Қиз ўрнидан жилмай уни излади.  
Гоҳ томда кўринди, гоҳ деразада  
Йигитнинг қурумли, ёнган юзлари.  
Қиз кўзин узмасди...  
Йигит кетаркан,  
Уялиб, артарди манглай «қашқа»син.

Бир ўтни ўчирди...  
Лекин гумоним бор —  
Еқиб кетмадимми бунда бошқасини.

---

$$\frac{1}{2} > \frac{1}{4}$$

Яна азонгача уйқум келмади,  
Сизда ҳам бўлгандир шундайин ҳоллар:  
Эртасига бебурд, енгил туюлади  
Уйқусизликдаги жиддий хаёллар.

Бирдан ўз тўғримда ўйлай бошлабман:  
Юлдузлар шуҳратдай кўз қисар милт-милт,  
«Анча зўр китоблар ёзиб ташлабман,  
Беш жилд қилсаммикин, ёки олти жилд!».

Хуллас, тизгин қочса, ёмон бўларкан,  
Ҳозир тил бормайди айтишга.  
Қизиғи шундаки, оқ тонг куларкан  
Ўйларим уланиб кетибди тушга.

Тушимда қандайдир хиёбон кезиб  
Лев Толстой билан юрган эмишман.  
Кўкси тўла кумуш соқол, қўлда кумуш узўқ,  
Эмишки, ўзи ҳам яхлит кумушдан...

Туш эканда, қаранг, адабиёт қолиб,  
У менга ҳисобни ўргатар эмиш.  
«Каср нима!» дермиш менга қовоқ солиб,  
Ҳар саволи дўлдай терлатар эмиш.

Ахир англаганмиш менга касрни у!  
Каср — одам эмиш шу турган кўйи.

**Сурат — унинг асл салмоғию,  
Махраж — ўз ҳақида ўйлаган ўйи.**

**Ажаб тушлар...  
Балки туш эмасдир!  
Унга ҳам шунақа қонда бўлади:**

**Махраж қанча катта бўлса ахир  
Каср шунча майда бўлади.**

---

## ТЕРИМДА

Бункерини ағдаради Латиф,  
Этак тутган қизлар' солади гапга;  
У, пичинг аралаш қўшиғин айтиб  
Яна машинасин бурар эгатга.  
Чамалаб кетади ҳар келганида...  
Хирмон ўсган сари кўнгли барқ урар.  
СХМи денгиз елканидай  
Олислардан кўм-кўк ярқирар.  
«Одамлари софдил,  
Пахтаси шиғил»—  
Латиф қувонади ўйлаган сари:  
Ажойиб колхозга тушди-да бу йил,  
Зап ўнгидан келди ишлари.  
Иш мундоқ бўпти-да!  
Ҳаммасидан ҳам  
Қизларини айтинг, ҳай-ҳай-ҳай...  
Бири-биридан шўх,  
Ишда олов,  
Кўркам,  
Борингки, саралаб қўйгандай.

Шундай ўйнаб-кулиб ишлар эди у,  
Ухшамасди сира мунглига.  
Кутилмаган воқеа бўлди-ю,  
Бир ғулғула тушди кўнглига.  
Рулга ўтирганда бир кун эрталаб  
Бункер биқинига боқса бош эгиб,

Қиррали тош билан  
Биров  
Тимдалаб  
Байт ёзиб кетибди:  
«Чиройли йигит,  
Кўнглингиз тош экан, парво қилмайсиз,  
Юракнинг дардини кўздан билмайсиз.  
Ё шаҳар қизлари шайдо қилганмиди,  
Колхоз қизларини кўзга илмайсиз!»

Аввал жаҳли чиқди Латифнинг:  
— Ия!  
Кўлига чипқонлар чиққур, кимикин!  
Шундоқ яппа-янги машинани-я...  
Шўхлик эвида-да...  
Деди-ю, лекин,  
Яна бир ўқиди — жиз этди қалби.  
Рули титраб кетди қўлида.  
Гўё машинаси бўйсунмай қолди —  
Чиқиб кетай деди йўлидан...

Уйнаб-кулиб  
Ишлаб юрарди у.  
Ушшамасди сира мунглига,  
Мана шу воқеа бўлди-бўлди-ю,  
Бир ғулғула тушди кўнглига.  
Ҳар дам ўқиб кўяр.  
Ёд олди бутун  
Ҳар бир ибораси, калимасини.  
Қайси бири ёзди!  
Меҳрисимикин!  
Салимасимикин, Ҳалимасими!

Ҳалимаси бўлса кошкийди...

---



## НУҚТА

Оддий бир нарсадан бошланди бу ҳол,  
Цитат кўчиришдан бошланди.  
Цитат кўчиришга ўргатдилар уни,  
Диссертация ҳам ёзиб ташланди.

Доира, савия, уфқ — деймизми,—  
Унда ҳам бор эди, о, эсиз.  
Бора-бора шўрлик шундай бўлдики,  
Қадаҳ ҳам кўтармас тезиссиз.

Торайгандан торайиб уфқи,  
Нуқта бўлиб қолди, воллоҳи азим!  
Энди бир фикр айтса,  
қўрқиб изоҳ берар:  
— Бу менинг нуқтаи назарим...

## ОЙДИН СОНАТА

«Ойдин соната»ни тинглар бир йигит.  
Эрудит дейдилар, яъни билимдон.  
Тушуниб тинглайди эрудит,  
Сиқиб, ушлаб қўяр гоҳо кўлимдан.

Чуқур англайди у асар мағзини,  
Йўл-йўлакай таҳлил, бемалол,  
Менга пичирлайди ёпмай оғзини:  
— Пианиссимо! Техника! Бемоль!

Бу ёнимда таниш мирзачўллик,  
Ғиқ этмай ўтирар содда бир ўртоқ.  
Тинглайди-ю, англамайди шўрлик,  
Баъзан ҳатто солмайди қулоқ.

Узоқ-узоқларда унинг хаёллари;  
Бир нуқтадан кўзин узмайди.  
Ойдин соҳилларда дарё шамолларин,  
Ёшлик сўқмоқларин бапки излайди...

Кўз олмайман мен ҳам шу йигитдан,  
Унга ҳозир фарқсиз: тунми, яримми...  
Худовандо, дейман, эрудитдан  
Узинг асра кўшиқларимни!

• • •

Бир түп ўрик  
Якка ўсган экан.  
Ёлғиз томоқмасми — роса унибди,  
Бодроқ-бодроқ бўлиб гуллаганида  
Кўланкаси билан дўст тутинибди.

Соя дам ўнгга-ю, дам чапга ўтиб,  
Дам чўзилиб ётиб,  
Дам бўлиб тикка:  
— Мендан ҳам содиқроқ дўст тополмайсань,  
Сенсиз мен ҳам йўқман,— деркан ўрикка...

Бир куни қараса —  
Соя йўқ эмиш.  
[Булут куни уни излаш — кулгили].  
Емғир ҳам қуйибди,— дўсти ҳамон йўқ...  
Ерга яксон бупти ўрикнинг гули.

Эҳ, ўрик! Соя ҳам дўст бўладими!  
Лаққа тушибсан-да лоф урса.  
Дўст бўлса, ҳар қандай об-ҳавода  
Ёнгинанда турса...

## КАТТАМИЗ

Каттамиз бизларга жуда-жуда ғамхўр,  
Тез-тез чақиради бизни каттамиз.  
Чақирсалар биз ҳам ҳозиржавоб:  
— Лаббай, шаттамиз!

Бир куни мени ҳам ёнига чақириб  
Зарур иш топширди каттамиз.  
Бир соатдан кейин телефон жиринг этди:  
— Лаббай, шаттамиз!

— Дарров етиб келинг!  
Дарров етиб бордим.  
Қарасам, ҳаммамиз шаттамиз,  
Приёмнийда узун навбат экан;  
Шомда қабул қилди каттамиз.

— Ишлар қалай, ишлар кетяптими!—  
Жудаям ғамхўр-да бизнинг каттамиз.  
— Ҳа,— дедим,— қиялпман вазифангизни,  
— Ишлар кетяпти, шаттамиз.

Эрталаб астойдил ишга киришсам,  
Яна чақиртирди каттамиз.  
— Ҳа, иш яхши,— дедим, сўрамаса ҳам,  
— Ишлар ёмон эмас, шаттамиз.

Шундай қилиб, бир кунлик ишни  
Уи кун қилдиради бизнинг каттамиз.

**Чунки бир кун приёмнийда бўлсақ,  
Эртасига яна шаттамыз.**

**Каттамыз бизларга жуда-жуда гамхўр,  
Тез-тез чақиради каттамыз.  
Биз ҳам шу каттага чидаб юрибмыз,  
Очиғини айтсам — латтамыз.**

---

## ЧОЛУ КАМПИРЛАР

Дадаали саксон бешни урган,  
Фақат кўзларида чақнар ёшлиги.  
Лекин ўзи ҳали  
Бориб турган  
Ишор бригаданинг бошлиғи.  
...Тонгда эшик қоқди ҳовлиқиб қотиб:  
Бобони кенгашга чақиритибди.  
Район марказида  
Соқол тарашлатиб,  
Атрини бурқитиб поездга чиқди.  
Купедан лорсиллаб келиб, вагонда  
Бир кампир ўтирди рўпарасига.  
Шойи рўмолини бўйнига солганда  
Бир нима ялт этди кўз қарашида.  
— Ие! Ризвон кампир!  
— Э-ҳа... Йигитча.  
— Йўл бўлсин, жажжи қиз!  
— Шундоқ, айланиб...  
Узлари-чи!— Биз ҳам шу, пича  
Уйнаб келайлик деб чиқдик шайланиб.

Йигитлик чоғида уни кўйдирган,  
Сир бермаган, мағрур шу Ризвон.  
Кўз қисиб ҳам кўрган.  
Совчи ҳам кўйдирган,—  
Унамаган, қурғур, шу Ризвон.

— О, сиз-эй, юрибсиз! Невара боқиб...  
— Юрибмиз, тупроқдан ташқари...

- Жувари қурияпмиз! Шақилдоқ қоқиб...  
— Ҳа, шундоқ... Жувари...

**Вокзал.**

Кучоқларда кузак гуллари.

Бино пештоқида яшнайдн шнор:

«Хуш келибсиз, кенгаш вакиллари!»

Пастда — илғорларнинг сурати, қатор...

Дадаали пирпиратиб кўзин

Портретларга тикилди. Ҳайрон:

Илғор пахтакорлар орасида — ўзи,

Илғор пиллачилар ичида... Ризвон!

— Иҳми— деб йўталди ёнида кимдир.

Боқса: Ризвон ўзи турибди кулиб.

Кўрмаганга олди кампир тушмагур.

— Иҳми— деди чол ҳам йўталган бўлиб.

Кампир

Чол расмини имлади қош қоқиб:

Чол ҳам

Кампир расмин кўрсатиб туриб:

— Невара боқиб денг!

— Ҳа, невара боқиб...

— Жувари қўриб денг!

— Жувари қўриб...

## ҚАНДОҚ ҚИЛАЙ

Тенгқуримиз Эшмамат,  
Қайтиб келди ҳарбийдан.  
Йигит бўпти етилиб,  
Тоғ қулайди зарбидан.  
Бобойи ҳам хурсанд,  
Кампири ҳам хурсанд,  
Дўстлари ҳам хурсанд,  
Хурсанду ҳайрон...  
Эслик-хушлик бўптию,  
Билиб бўлмас хоҳшини.  
Биратўла уч қизнинг  
Айлантирди бошини:  
Фермадаги Ширин,  
Агроном қиз Доно,  
Ҳам теримчи Дилбар!  
Бай-бай, бари — сара...

Дўстлар дейди: оғайни,  
Гапимизни англаб ол:  
Гўзал керак йигитга,  
Дилбарини танлаб ол.

— Ширини ҳам дилбар,  
Доноси ҳам дилбар,  
Дилбари ҳам дилбар,  
О-оҳ, қандоқ қилай!  
Ота дейди: ҳай бола,  
Насихатим англаб ол,



Донолик кунда керак,  
Доносини танлаб ол.  
— Дилбари ҳам доно,  
Ширини ҳам доно.  
Доноси ҳам доно,  
О-оҳ, қандоқ қилай!

Она дейди: ҳай болам,  
Мени десанг, англаб ол!  
Хушфеъл бўлсин келиним,  
Ширинини танлаб ол.  
— Доноси ҳам ширин,  
Дилбари ҳам ширин,  
Ширини ҳам ширин,  
О-оҳ, қандоқ қилай!  
Чол жаврайди: ҳай кампир,  
Айб ўзингда, ажрим қил,  
Ўз вақтида, тасаддуқ,  
Тугмайсанми уч ўғил!  
Бир келининг Доно,  
Бир келининг Ширин,  
Бир келининг Дилбар!—  
Мана шу топда ўтирардинг тўрда керили-и-и...

---



## БЕВАФО

Улар жуда топишган эдилар,  
Бўй-буйга ярашиқ, ёшлари ҳам тенг.  
Кўпдан дўст эдилар, ораларидан —  
Қил ўтмасдан денг...

Нуқул хиёбонда учрашардилар,  
Висол соатлари ширин ва сирли.  
— Келасанми!  
— Келаман, кеч қолма..  
Хайрлашувлари шундай таъсирли!

Висол соатлари ширин ва сирли.  
— Келасанми!— деди бир кун яна қиз.  
— Иўқ, келмайман!— деди кесиб униси.  
Бевафолик шу-да, доим шафқатсиз.

— Ваъданг қани ахир, ёлғончи!  
Участка қурардик, галингда турсанг.  
— Участка!— Қумгами!— кулди бевафо —  
Бор, қуравер, ким билан курсанг.

У жўнади,  
Қиз йиглаб, қолди.  
Йиги унга жуда-а ярашар эди.  
Чунки  
муҳаббат тарк этилган бу қиз  
Олти ёшар эди.

## ШҮРЛИК

У уришиб қолди хотини билан,  
Шартта чамадонни олди елкага.  
— Бас, сен билан яшагандан кўра  
Кетаман биронта олис ўлкага!  
Сахрога кетаман, Қутбга, Чукоткага,  
Космосга! Ундан ҳам нарига!  
Майли, музлаб ўлай, айиқ еб кетсин,  
Бўронлар, қуюнлар ютсин қаърига!  
Майли пачоқ бўлсам фазо зулматида  
Бирон планетага тўқнашиб...

Чиқиб кетди, шўрлик,  
Хайрлашмади ҳам.  
Бопалари қолди ухпашиб.

Беш минутдан кейин  
қайтиб кирди-ю,  
Серписанда қилиб чайнади гапни:  
— Омадинг бор экан, э хотин,  
Ёмғир ёғаяпти...

---

## АФСОНА

Қадим арман ерида  
[Бизга алоқаси йўқ].  
Гўзал тонгларнинг бирида  
Пақ этиб отилди ўқ,  
Эл устига офат етди,  
Душман босди ўлкани.  
Омон қолган қочиб кетди,  
Ерда қолди ўлгани.  
Шаҳноз очди дарпардасин  
Осмси ўпар кўшиқда.  
Босқинчилар саркардаси  
Ёнар унинг ишқиди.  
Келганида ваҳшийдек,  
Малика эшик очмади.  
Бундан ўлим яхши деб  
Деразадан ташлади...

— Шуми!!— дерсиз. Қулоқ солинг,  
Энг қизиги бу ёқда.  
Маликамиз тирик қолди,  
Юмшоқ қўнди ўтлоққа.  
Чунки худди парашютдай  
Очилганди этаги...

Тамом бўлди мана шўтта  
Малинанинг эртаги.  
Аммо, гап бор қизларга,  
— Нима бўпти!— деманглар.  
Сабоқ шуки сизларга,  
Мини-юбка кийманглар..

## ТУРОБ ТУЛАГА

Чилонзорда, Тахтапулда уйларингиз,  
Урганганмиз, эфир тўла куйларингиз.  
Элликвойлар жиндай тикроқ бўлгувчи-ди,  
Бир элликка тўрт энлик кам бўйларингиз.

Шўх эдингиз, энди бир оз кам ишлайсиз,  
Кам бўлса ҳам, аммо-лекин янглишмайсиз.  
Эллик йилда Тамаранинг қадри ўтди,  
«Баҳор»даги эллик қизга алишмайсиз.

Қаторимда норим дейди авлодингиз,  
Тўрт жанрда қалам учин тобладингиз.  
Бешинчиси Нозим билан Муҳаббатдир,  
Шулар бўлди энг мукаммал ижодингиз.

У Союзда, бу Союзда ўйларингиз,  
Сақлаб туринг боқиб қўйган қўйларингиз.  
Учта Союз ўртасида талаш бўлиб,  
Баҳоргача қолди шекил тўйларингиз.

Бошқармада бир универсал бўлдингизми!  
Министр ҳам босолмайди ўрнингизни.  
Ушанда ҳам ховлиқмайсиз, иложи йўқ,  
За неимением, кўтармайсиз бурнингизни.

Эллик мингта жазмани бор бу чўлоқнинг,  
Тинч қўймайди «Қари қиз»-у «Қизбулоқ»ни.  
Замонавий реактивний таланти бор,  
Унвонда ҳам олиб кетди у улоқни.

Экранларда ғазалининг тили бийрон,  
Ҳар киноси атрофида шовқин-сурон,  
Лек бари бир музаларнинг пойгасида  
Олдин келар Пегас деган қашқа-жийрон.

Атрофида нафосатнинг доираси,  
Нафосатга мукка кетган оиласи,  
Шу кунларда бир дoston ҳам чиқиб қолар,  
Эскимасдан бултур ёзган поэмаси.

Эллик ёшда юз элликта қўшиғи бор.  
Ҳар қўшиқдан эллик мингта ошиғи бор,  
Яна анча у-буси бор, айтардимү,  
Йўқ, домашний трибуналнинг бошлиғи бор.

Одам яшар одамликни касб қилса,  
Кўп яшаймиз, кўп ёзамиз, насиб қилса,  
Олтмиш, етмиш, саксондаям бир келамиз,  
Тамарахон норин қилса, ҳасиб қилса.

Туроб дўстим, эллик марта ўпай сани,  
Шодлик ёшим арта-арта ўпай сани,  
Шундан кейин уч-тўрт минут антракт қилиб,  
Яна туриб шарта-шарта ўпай сани!

---

## **ХОМ ОЛМА**

**Хом олма узади болалар,  
Шох синдиради, девол бузади.  
Тергаймиз уларни, гоҳ савалаймиз,  
Улар бўлса ҳамон узади.**

**Хом олма узади қурғурлар,  
Қўрқасан: артмайди, чаймайди,  
Липпасидан олиб, аланглайди-да,  
Афтин буриштириб ғарч-ғарч чайнайди.**

**Хом олма узади болалар  
Дунёнинг жамики боғида.  
Бола-да, болага нима ҳам дейсиз,  
Боғ экан-ку, ҳатто санъат бобида...**


**Хом олма узади болалар.  
Ешликда шундай бир замон бўлади;  
Бу-ку ҳамма учун шунчаки эрмақ,  
Катталар хом узса ёмои бўлади...**

---



### **ХАЛҚАРО ХИРГОЙИ**

**Вьетнамда куну-тун  
Еғдиради бомбани.  
Юмшоқ курси Парижда  
Увиштирмас думбани,  
Ойлар бўйи ўтириб,  
Тинчликдан уради лоф...  
Тили ширин жаллоднинг  
Оти нима — ўйлаб топ.**



\* \* \*

Китоб чиққан соат  
қўниб устига  
Бир кунлик капалак  
гамин еганмиш:  
— Қуёшга қараб ол тўйиб ҳуснига,  
Учиб қолиши бор...— деганмиш.

---

## **ҲАМЗА ҚИЗЛАРИ**

**«Ҳамза» қизларисиз,  
«Ҳамза» гуллари,  
Нурхон, Жамиланинг  
Ҳур сингиллари!**

**Гўзаллик боғига  
Гул экасиз сиз,  
Санъат қасримизнинг  
Маликасисиз.**

**Сорахон қалбида  
Оташдай ўчмас  
Гўзал Офелия  
Хаяжонлари.  
Севимли санъаткор —  
Зайнаб, Замира —  
Бутун бир авлоднинг  
«Аяжонлар»и.**

**Саҳнамиз юлдузи  
Тошхону Яйра  
Санъатда абадий  
Гўзалсиз, ёшсиз.  
Юбилей муборак,  
Унвон муборак,  
Юлдузгина эмас,  
Куёшсиз!**

**Хизматингиз катта,  
Кўпдир орзунгиз,  
Хизматингиздан ҳам  
Кўпдир қарзингиз,  
Халқимиз бахтига  
Доим бор бўлинг,  
Доим ёш ва гўзал,  
Бахтиёр бўлинг!**

---

## МИНИ-ЮБКА БИЛАН ПАРАНЖИ

Чапдан нозу карашма билан  
Мини-юпка келар, қаранг-чи.  
Тарихий ролига биноан  
Унгдан чиқиб келди Паранжи.  
— Ҳой шарманда,— деди хит бўлиб,—  
Одоб деган борми, беҳаё!  
Тандан бўлан кўз-кўз қилгулик  
Бисотгинанг қолмадимми ё!  
Тугабсан-ку, қизлик имони,  
Икки энлик бўлиб қолибсан.  
Мен минг йил яширган ибони  
Ошкора бозорга солибсан.  
— Ҳа, рўдапо!— чинқирди Мини  
Ҳали юрибсанми соягни судраб!  
Замон силтаб ташлаган-ку сени!  
Қай қавақдан чиққандинг мудраб!  
Ибонимас, кунни яширдинг,  
Гўзалинни яширдинг минг йил.  
Сен яширдинг, мен қадрин туширдим,  
Аслини олганда, биз — опа-сингил...

Авж оларди даҳанаки жанг,  
Шангилларди ғазаб, дўқ, мазах.  
Паранжидан гупилларди чанг.  
Минидан эсарди елгазак.  
— Ким ҳақ ахир!— дейди китобхон.  
Мен айтаман:— Иккиси ҳам ҳақ.  
— Бирдек ҳақ бўлмайди ҳеч икки томон!  
— Сизники ҳам тўғридир мутлақ.

## СЕН ТУФИЛГАН КУН

### И б р о ҳ и м Р а ҳ и м юбилейига

Бир ажиб маъно йўқ эрмас бундайин тадбирда,  
Гоҳ ибратли шуур балқир жувону пирда;

Алхусус, санъат, илм қудратлидир, сўз — катта куч,  
Қайдин ул куч бўлди пайдо оддий бир мухбирда!

Эл аро ҳар тантана, ҳар тўй — меҳнат ҳурмати,  
Меҳнат ул олтин демақдир, халқимиз таъбирида.

Ҳеч осон тутманг: таланти меҳнатга маҳкам боғлагай,  
Утгуси умри адибнинг шул таланти занжирида.

Иброҳим — бу Иброҳиммас, миқти бир авлод боши,  
Улғайибмиз Ойбеги Қаҳқорлар таъсирида.

Хўб эрурким, юртига ихлос қўйиб ўғлонлари,  
Пок қалбли қизлари ишқ ё рақам тасхирида.

Бир оловкор сингари тоблар қаламнинг найзасин,  
Барқ суръат бўлди кино «Наштар»и шамширида.

Ақтуаллик ҳам фазилатдир фазилат устига,  
Ким олиб кетди улоқни зилзило тасвирида.

Офарин айтдик анга келганда Масков босмаси,  
Бир ярим миллион тираж ҳам бор экан «Тақдир»да

Ёз шараф бирлан яна умринг иккинчи жилдини,  
Ҳам мудом бўлсин саҳоват илҳоминг кафгирида.

ЛАГАНБАРДОР

Бу тоифа  
елим сингари  
шакпи нотайиндир,  
мулойим:  
бизнинг  
давримизда  
кўплари  
орамиздан топади жойин.  
Петр Иванович Болдашкин —  
ақли саёз,  
пачоқ гавдаси.  
Бужирлари юзига урган,  
бекорга қўқайиб  
қизариб турган  
калла эмас —  
таёқ қуббаси.  
Бу нухани,  
бир мева каби,  
иситар  
бошлиқнинг шафқат кўши.  
Сир нимада!  
Қани сабаби!  
Ҳар вақт ўйлаб  
қотади бошим.  
Унгланиб боради  
ҳаёти;  
мен қоралаб ёзмайман  
уни.



Унинг хазинаси —  
  таланти —  
майин мулозимат  
  усули.  
Қўлни ялар,  
  ялар оёқни  
белни ялар,  
  ялар пастроқни,  
гўё мушук бола  
  онасин ялар,  
гўё итни  
  ялар  
  кучук болалар.  
Тил  
  қирқ метр  
  чиққан чўзилиб,  
бошлиқни  
  қувлаган изма-из,  
кўпикланиб кетган  
  олпоқ бўлиб,  
соқол олса бўлар  
  совунсиз;  
Жазаваси тутиб,  
  ҳарсиллаб,  
ақл етганча  
  мақтайди сизни —  
юрақ огригингиз,  
  стажу  
  мансаб,  
мардлингиз,  
  сўғалингизни.  
У амал ортдирар  
  тобора,  
унга қараб  
  тутишади иш.  
Қайдадир  
  бир катта идора  
шу одамга  
  топширилганмиш.  
Энди  
  жилов қўлга тушдими —  
хушомадга

ҳаммани  
ўргат;  
тупук сочиб сўзлар:  
— бошлиқни  
ҳурмат қилиш  
керак,  
ҳа, ҳурмат!—  
Томоша қиламиз  
оҳ-воҳ дея:  
авж олади  
шулар дастидан  
ашаддий бир иерархия  
кулиб  
демократия устидан.  
Супургидай кезиб  
паст-юқорини,  
тўзғитиб  
супурсанг  
барини —  
ҳам ҳомийлик топган  
лаганбардору  
ҳам уларнинг  
ҳомийларини!

1928

\* \* \*

**Инсон қашшоқ эмас, гарчандким фақир,  
Ё магар эғнида пўстин бўлмаса.  
Бой бўлсанг ҳам сенсан қашшоғу-ҳақир —  
Оламда биронта дўстинг бўлмаса.**

**Пулни сарфлаш осон, ундириш қийин,  
Уйни бузиш осон, қўндириш қийин.  
Дўстини душман қилиш — бир нафаслик иш,  
Душманни дўст бўл деб қўндириш қийин.**

**Тарих тажрибасин ихтибос этсак,  
Бақроқлик шон-шўҳрат келтирмас, бешак.  
Қаттиқ бақирганлар буюк зот бўлса,  
Элда энг буюк зот бўларди эшак.**

**Эй азиз Муҳаррир, сатримни қирқма,  
Ундан бармоғимни қирққанинг афзал.  
Унинг ловуллаган оловидан қўрқма,  
Юрак қони билан ёзилар ғазал.**

---

## Берди Кербобоевдан

Кимсани ранжитма кибри-ҳавода,  
Мансабинг бўлсада арши-аълода.  
Чунки амал эмас инсонға мақсад,  
Мақсад ундан кўра мушкулроқдир:  
Бу фоний дунёда энг олий мансаб —  
Инсонлар ичида инсон бўлмоқдир.

Чархи-кажрафторнинг қонуни шундоқ:  
Қисматни илғамас баъзида кўзинг,  
Баъзан ўзгаларга кавласанг хандоқ,  
Тушиб кетмоғинг бор дафъатан ўзинг.  
Емонликнинг ёмонликдир асли-насаби,  
Омонликнинг омонликдир насли-насаби.

Йўлда нортўяга жуда ҳам оғир,  
Уркач юк остида қипқизил яғир.  
Теппада ўлтирган беғам тўябон  
Жонворнинг кўзида кўзёшни кўрмас.  
Нортўя шўрлик ҳам ахир безабон:  
Устимда инсонми, молми, деб сўрмас.

Пул — яхши нарсадир, дўстдир кишига,  
Холис баҳо берар халол ишига.  
Пулга лойиқмисан, ёки нолойиқ —  
Бунга ҳар ким ўзи исбот келтирар.  
Пулга фақат бекор ётувчилар,  
Виждон сотувчилар иснод келтирар.

## М У Н Д А Р И Ж А

Мадҳи худи ман . . . . .	2
Чархпалак . . . . .	3
Оталарга маслаҳат . . . . .	8
«Чўпон яйловларнинг куйчи қалби...» . . . . .	9
Қалб ва Қулф . . . . .	10
Қарға . . . . .	12
Мис қалпоқли йигит . . . . .	13
$\frac{1}{2} > \frac{1}{4}$ . . . . .	15
Теримда . . . . .	17
Нуқта . . . . .	19
«Ойдин соната» . . . . .	20
Бир туп ўрик . . . . .	21
Каттамиз . . . . .	22
Чолу кампирлар . . . . .	24
Қандоқ қилай . . . . .	26
Бевафо . . . . .	29
Шўрлик . . . . .	30
Афсона . . . . .	31
Туроб Тўлага . . . . .	32
Хом олма . . . . .	34
Халқаро хиргойи . . . . .	35
Китоб чиққан соат . . . . .	37
Ҳамза қизлари . . . . .	38
Мини-юбка билан паранжи . . . . .	40
Сен туғилган кун . . . . .	41
Маяковскийда . . . . .	42
Берди Кербобоевдан . . . . .	46

БИБЛИОТЕКА « МУШТУМА »

На узбекском языке

АСКАД МУХТАР

КРУТОВЕРТ

Издательство ЦК КП Узбекистана  
Ташкент — 1970

Редактор Мирмуҳсин  
Рассом Н. Иброҳимов  
Тех. редактор Н. Соронина  
Корректор М. Сатторов

Теришга берилди 16/IX-70 й. Восишга рухсат этилди 7/IV-71 й.  
Қоғоз формати  $70 \times 108 \frac{1}{32}$ . Босма листи 1,5.  
Шартли босма листи 2,1. Нашриёт ҳисоб листи 1,5.  
Нашр. 119. Тиражи 50000. Заказ 2527. Р 12633. Баҳоси 5 т.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг босмаҳонаси.  
Тошкент. «Правда Востока» кучаси, 26-уй.

Уз  
М 93

Мухтар, Асқад  
Чархпалак. (Ҳажвий шеърлар).  
Т., Ўзбекистон КП МКнинг нашриёти, 1970.  
48 бет, расм.

Мухтар, Асқад. Крутоверт.

Уз2